



ҒАЛАБА КУНИ НИШОНЛАНДИ

Бу ағдар-тўнтар замонда бировни байрам билан табриклашга ҳам чўчиб қолган кўпчилик. Шошган одам чув тушиши аниқ. 9 майнинг ўзидан олдинги эски байрамлар қатори ими-жимиди кириб келиши шундан бўлса керак. Ғалабанинг 47 йиллиги ортиқча дабдаба-ю, даҳмазасиз кутиб олинди. Олдинги даврларга нисбатан, албатта. Лекин ички ишлар вазирлигида бу тантанани ҳам яхши тайёрлашди.

Кейинги авлод учун кўп нарсаларнинг аҳамияти кам. Унинг ҳаёлини бозор, иқтисод деган нарсалар бутунлай қўлга олган. Уруш қўрган авлодда эса аксинча. Уларда мустақам эътиқод ва нимагадир (ана шу «нимадир» бизга қоронғу) ишонч бор. Ички ишлар вазирлигида байрам тантаналарига йирилган уруш иштирокчиларини кўриб юқоридаги фикрим тўғрилиги яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим. Атрофимда иккинчи жаҳон урушида иштирок этган истефодаги зобитлар ва милиционерлар тўпланишди. Ораларида генералдан тортиб сержантгача бор. Юзларида шодлик, кўзларида қувонч.

Бугун тарих деб аталаётган вақт уларнинг кечган умри, аввалги ҳаётидир. Биз

китоблардан ўқиб билаётган ваҳима ва даҳшатлар залворини улар мана шу елкаларида кўтаришган, мана шу елкаларида олиб келишган улар биз ўтмиш деб атаётган вақтни. Мана шу чоллар уруш, деб аталмиш юҳода жон олиб, жон беришган бир пайтлар. Энди эса ҳаммалари кексариб қолишган. Фақат қалбдаги эътиқод ва ишончлари ўша-ўша.

— 1939 йилда армияга кетганман, — дейди В. Каримов. — Уруш бошланган чоғда Болтиқбўйида эдим. Кўп жанглари кўрдим. Қирқ иккинчи йилда эса бошимдан яраланиб, Ўзбекистонга қайтдим. Шундан кейин ҳам 31 йил давомида ички ишларда хизмат қилдим.

Бу кишилар нафақат уруш иштирокчилари, балки ички ишларнинг толмас заҳматкашлари ҳамдир. Байрам тантанасини ички ишлар вазирлиги милиция генерал майори Зокиржон Алматов очди. Дастлаб бир дақиқа сукут сақлаб, жанггоҳларда шайхид кетган сафдошлар, қуролдошлар хотирланди.

Ички ишлар вазирлиги йирилганларни байрам билан табриклаб, Ўзбекистон истиқлолга эришадиган бугунги кунда уруш ва меҳнат

фахрийларининг ёрдамлари, маслаҳатлари жиноятчиликка қарши курашишда жуда ҳам зарурлигини, таклиф ва насиҳатлари албатта асқотилини таъкидлаб ўтди.

Сўзга чиққан истефодаги милиция генерал-лейтенанти Сирожиiddинов ўзининг хотираси билан ўртоқлашди. Қуролдошларини байрам билан қўтлади.

Кейин сўз олганлар ҳам уруш ва хизмат хотиралари-

дан гапиришди.

Боболарини табриклагани 2-болалар боғчасининг тарбияланувчилари келишди. Уларнинг шўх шеърлари, дилбар қўшиқлари, рақслари ҳаммага манзур бўлди.

Шунингдек байрам тантанасига қизиқчилардан Мирза Холметов, Обид Асомов, ҳофиз Ғуломжон Ёқубовлар таширф бўйишди.

Исмонжон ПОМУРОДОВ, «Постда» мухбири.



СУРАТДА: истефодаги милиция полковниги ва подполковниги меҳнат ва Улуғ Ватан уруши фахрийлари И. Баников ва И. Живницкий.

Х. ШОДИЕВ олган сурат.

ОЛТИН ЭМАСКАН...

Шу йилнинг 25 апрелида «Народное слово» рўзномаси, ва Россия радиосининг «Маяк» программаси Янгийўл туманида механизаторлар томонидан топилган тиллага ўхшаш сариқ металл ҳақида хабар берди. Ваҳоданки, ўша пайтда тилла ҳақидаги гап оғиздан-оғизга ўтди. Ахир ишонч билан топилманинг сифат кўрсаткичи (пробаси) 99,9 деб берилганди.

Биз ушбу хабарнинг нечоғлик ҳақиқатга яқинлигини билиш учун Республика ИИВнинг ИЖКБ бошлиғи С. А. Тахтинга мурожаат қилдик.

— Тошкент вилояти ИИВ ходимлари Болтиқбўйи республикаларидан бирига йўл олган юк машинасини тўхтатишган. Машина текширилганда, тиллага ўхшаш сариқ рангли металл ёмбилари олинди. Экспертиза хулосалари унинг сифат кўрсаткичи 99,9, яъни мис эканлигини тасдиқлади. Тилланинг сифат кўрсаткичи 999,9 бўлади.

Ҳозирча мазкур қимматбаҳо металл ижарадаги ширкатлардан бирига тегишли эканлигини таъкидлаб, унинг республикада худудидан четга олиб чиқиб кетилишига ҳеч қандай рухсат йўқлиги, барча ҳужжатларнинг қалбакилиги ҳақида айтиш мумкин.

Тергов тугагач, ҳақиқат юзага чиқади.

Начора. Тергов бўлса тергов-да. Аммо ҳали фактлар текширилмасдан, аниқ, асосли хулосаларсиз матбуотда шов-шув кўтариб, одамларнинг «қўйини йўқ олтинга тўлдириб қўйиш» ўринлими-кан? Бунинг устига «Маяк» программаси топилган «Ўзбекистон олтини» ҳақида хабар бериши шартмиди?

Наҳотки, шундай обрўли матбуот ялтираган ҳар нарсани олтин, деб билса?!

Нур БАДИА.

ҒОЛИБЛАР

АНИҚЛАНДИ

«Динамо» спорт жамиятининг «Паҳлавон» спортклуби залида ички ишлар идоралари вакиллари ўртасида қўл жанги бўйича шаҳар биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.

— Бу спорт тури шундай мураккаб, уни эгаллаган кишининг қўллари худди боксчиникидек, оёқлари қаратэ устасиникидек ва маҳорати курашчиникидек бўлиши лозим, — дейди махсус жисмоний тайёргарлик маркази бошлиғи, милиция капитани Рустам Илҳомов. — Бунда спортчи уч дақиқа ичида ўз имкониятларини намойиш этиши керак. Лекин шундай пайтлар ҳам бўладики, кимнинг кучли ва эпчил эканлигини аниқлаш учун савоқли лаҳзаларнинг ўзини кифоя қилади.

Шундай бўлди ҳам. Беллашувда Шухрат Муродов, Александр Ким, Иброҳим Ҳорматов, Сайдулла Қороев каби ички ишлар ходимлари фаол иштирок этиб, ҳакамлар ва томошабинлар олқишига сазовор бўлдилар.

ИИВ олий мактаби терма командаси биринчи, Тошкент шаҳар ИИВ вакиллари иккинчи ўринни қўлга киритдилар. Учинчи ўрин эса ўрта махсус милиция мактаби вакилларига насиб этди.

Р. ҚОСИМОВ.

БУГУНГИ

СОНДА:

1-БЕТ

... Машина текширилганда, тиллага ўхшаш сариқ рангли металл ёмбилари олинди...

2-БЕТ

... Ишдан чиққан люминисцент лампаларни ташлаб юбормай, уларни турли ўлчамларда қирқиб, рангларга бўйиб, қандиллар ясаган ҳам маҳбустларнинг ўзлари экан...

4-БЕТ

... Фермер ҳўжалигидан 40 беш қўйни ҳайдаб кетишган. Мирзачўл туманидан 3 та қорамол ҳам ўғирлашган экан.

... Огоҳлантириш талонини олиш учун фуқаролар ўзлари яшаб турган шаҳар ёки тумандаги рўйхатга олиш, имтиҳон бўлимларига паспортларини (ҳарбийлар ҳарбий билетини) имтиҳон варақасини тақдим этидилар...

5-БЕТ

«Табрис жуда жаҳлдор, бошқаларнинг нарсаларини тортиб олиши, ҳеч нарсадан ҳеч нарсасиз одам ўлдириши мумкин, ёқтирмаганини дўшослашга, ўғрилиқ қилишга ҳам қодир».

8-БЕТ

... Қонуналаримиз бўш. Деярли барчасида «очиқ жойлари» бор...

ИҚТИСОДЧИЛАР ЁРДАМГА ТАЙЁР

«Сиздек қардошларимизни мустақил Ўзбекистон байроғи ва Туркия байроғи олдинда баробар кўрмакдин қувончдамиз!»

Тошкент олий милиция мактабида бўлиб ўтган учрашувда Истамбул дорилфунунининг иқтисод куллийети профессори, иқтисод фанлари доктори Невзот Йолчинтош маърузасини ана шундай сўзлар билан бошлади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг Туркия билан ҳар томонлама алоқалари кундан-кунга мустақамлашиб бормоқда. Жумҳуриятимизнинг бугунги иқтисоди деб аталмиш жарлиқдан чиқиб олиши учун дўст мамлакатлик биродарлар имкони борича ёрдам қўлини чўзяптилар.

5 май кунини туркиялик бир гуруҳ иқтисодчи олимлар мамлакатимизга ташриф бу-

юрдилар. Мақсад — оғаларча ҳамкорлик қилишни янада кучайтириш эди.

Шу кунини олимлар жумҳурият ички ишлар вазирлиги милиция генерал-майори Зокиржон Алматов қабул қилди. Вазир меҳмонлар — «АВЕ» консультатив фирма раҳбари Бойдаш Суат, Истамбул дорилфунунининг иқтисод факультети профессорлари Дохан Коргул ва Невзот Йолчинтош билан санимий музоабада бўлди. Шунингдек, суҳбатда Тошкент олий милиция мактабининг сиртки таълим куллийети бошлиғи У. Тожиқонов, «Зенит» заводининг директори Ш. Умаров, ТошДД иқтисод куллийети декани, иқтисод фанлари доктори, профессор С. Зайнутдинов, жумҳурият ИИВ штабининг ташқи алоқа ишлари бўлими бош-

лиғи Б. Сайдуллаевлар иштирок этидилар. Узаро фикр алмашиш давомида меҳмонлар вазирлиги Туркияга, унинг ички ишлар вазирлиги раҳбарияти билан учрашувга таклиф қилишди.

Уз вақтида бир нарсани эслатиб ўтиш жоиз, 1991 йилнинг 11-18 апрель кунлари вазирлигимизнинг бир гуруҳ ходимлари Туркия ички ишлар вазирлигида бўлиб, уларнинг иш услублари билан мукамал танишган эдилар ва сафар нўжоясида томонлар 6 моддадан иборат ўзаро ҳамкорлик ахдлашувига имзо чеккандилар. Ахдлашувини Анкара шаҳрида Туркия Жумҳурияти ички ишлар вазирлиги номидан ички ишлар вазирлиги ўринбосари Вали Фаҳри Узутири, Ўзбекистон Жумҳурияти ИИВ номидан ички ишлар вазирлигининг биринчи

ўринбосари милиция генерал-майори Ғ. Раҳимов имзоладилар. Унда кўтарилган асосий масала — Ўзбекистонда ҳам Туркиядаги полис академиясига монанд академия ташкил этиш, аниқроғи, олий милиция мактабининг академияга айлантириш, Ўзбекистонга туркиялик иқтисодчи олимларнинг келишига ҳам ана шу ахдлашув туртки бўлди. Улар ташкил этиладиган академия ва шунга алоқадор бошқа иқтисодий муаммоларни биргаликда бартараф этишга бел боғлаганлар.

Меҳмонлар билан олий милиция мактаби ўқитувчилари ва талабалари ўртасида учрашув ўтказилди. Унда ички ишлар вазирлигининг биринчи ўринбосари милиция генерал-майори Ғ. Раҳимов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Эркин САТТОРОВ, «Постда»нинг махсус мухбири.

Сиз кутан, кутмаган хабарлар

САМАРҚАНД

ЁҒОЧГА КЕТИБ...

Оқтош шаҳрига ёғоч олган келган Тўлқин бу ерда анча машмашаларга дучор бўлган, деб сира ўйламаганди. Соддалигимиз ёки ишонувчанлиги панд бердими, ҳар қалай қаҳвахона ёнида тўпланиб турган йигитларнинг ёнига борди. Гарчи уларнинг пешонасига «ёғочнинг хўжайини шу» деб ёзиб қўйилмаган бўлсада, ёғоч сўради.

— Қаердан келгансан?
— Хатирчидан.
— Қанчалик оласан, ҳам-қишлоқ?
— Ёнимда бир минг 300 сўмим бор.
— Мен сенга мана бу йигитни қўшвораман. У бир кишилик олиб боради. Уша киши билан ёғочни гаплашсан. Хўпми?
— Хўп.

Зокир билан Баҳодир ишонувчан Тўлқинни Ёлдошнинг уйига олиб келишди.

— Кел, савдоинг юришиши учун озгина ичайлик.

Йигитлар Тўлқиннинг «Ичмайман», деганига қарамай, зўрлаб ичиришди. Унинг даров маст бўлганини кўргач, бошқа хонага судрашди.

— Ёнингдаги бор пулларни чиқар! — деди Зокир, кўзлари сузилиб, гавдасини аранг ушлаб турган Тўлқинга.

— Ж-жо-он, акалар. Ил-илти-мас, май-ли уч юз сўмини олинглар. Қарзга олгандим.

— Ҳозирок, ҳаммасини чиқарсан. Ёнинг десанг, тўртинчи қаватдан отиб юборамиз. Қани, бўл!

Тўлқиннинг ола-кула қарашларига ғаш келган Зокир унинг юзига бир неча мушт туширди. Шунинг кутиб тургандай Ёлдош ҳам бир мушт урди. Оғриққа дош беролмаган Тўлқин юзини чангаллаганча деворга суяниб қолди. Зокир сурбетларча унинг кийимларини титиб, ёнидан пулларни тортиб оларкан, шерикларига кўз қисди.

У орқасидан эргашиб ошхонага кирган Ёлдошга 100, Баҳодирга 400 сўм узатаркан, 50 сўмини Шўхратга бериб, ароқ келтиришни таъинлади.

— Мана сенга йўлқира, уйингга етиб ол, туя кўрдингми — йўқ, — деркан Баҳодир Тўлқинга 3 сўм ирғитди.

Бироқ Тўлқин шунча пулни бир тўда текинтомоқларга индамай ташлаб, қишлоққа икки қўлини бурнига тикиб боришдан ор қилди.

Нарпай тумани ИИБга келиб, арзи-хотини баён этди.

Бўлим ходимлари эса икки маротаба ўтириб чиқишган бўлсада тавбасига таяндингми, йўқ, — деркан Баҳодир Бозоров, туппа-тузук чилангар бўлиб ишлаётган, ҳали қонун билан ўчакишга улгурмаган Ёлдош Бобоевларни жиноят «иссиғида» қўлга олдилар.

НАМАНГАН

ҚАРОҚЧИ
ФОШ ЭТИЛДИ

Поп туманининг Найман хўжалиги ҳудудида қўқонлик Собиржон Ҳақимовни номаълум шахс қурол билан қўрқитиб, машинасини олиб қочган эди. Яқинда жиноятчи аниқланди. У Фаргона вилояти, Учкўприк туманида яшовчи О. Д. исмли кимса бўлиб чиқди.

ҚУЛФНИ
БУЗОЛМАДИ

Кечаси Наманган шаҳрида яшовчи Г. А. ва А. Г. исмли воёга етмаганлар Гагарин кўчасида ерости йўли ичида жойлашган «Миролимхон» фирма дўкони қулфини бузишга улгуролмадилар. Вақтида етиб келган милиция ходимлари иккисини ҳам ушладилар.

ЖАҲЛНИНГ
ЧЕГАРАСИ БУЛСИН

Соат 13 лар чамасида Чуст туманидаги Коркидон қишлоғида яшовчи, Т. Ж. исмли киши уйда хотини билан жанжаллашиб, жаҳл устида унга ошпичоқ билан тан жароҳати етказган. Оқибатда хотини касалхонада вафот этди.

Н. И. исмли кимса эса ўзининг поччаси Тоҳир Ёқуббоев билан жанжаллашиб, тош отган. Бу тош

Тоҳирга тегиб, у оламдан ўтди.

ЙУЛДАГИ ФОЖИА

Наманган шаҳрида яшовчи Раҳмонжон Холиқов ўзига бириктирилган ОО-81 НАЗ рақамли автомашинада Қозонбулоқ-Қизилқўприк йўлининг 2-километрида йўлнинг чап томонига чиқиб кетиб, автомашинани ағдариб юборди. Ўзи тан жароҳати олиб касалхонага ётқизилди. Йўловчи Одилбек Саримсоқов ҳодиса рўй берган жойда ҳаёт билан хайрлашди.

ФИЛДИРАК
ЎҒРИЛАРИ

Уйчи тумани марказий касалхонасининг ҳовлисида турган автомашинанинг бир дона филдирагини номаълум кишилар ўғирлаб кетишганлиги ҳақида хабар келди. Зудлик билан қидирув натижасида ўғрилар қўлга олинди.

ЎҒРИ АЕЛ ЭКАН

Чортоқ шаҳар, Охунбобоев кўчасидаги 66-уйда яшовчи Муҳаббат Тўражоннова уйдан 3500 сўмлик буюмлар ўғирлаб кетилганини маълум қилди. Кўп ўтмай Янгиқўрғон туманининг Заркент қишлоғида яшовчи, ҳеч қаерда ишламай юрган У. Д. исмли аёл милиция ходимлари томонидан ушланди.

ФИРИБГАРГА
АЛДАНМАНГ

Наманган шаҳар умумий овқатланиш трестига қарайли «Гулчеҳра» кафеси хизматчиси Муҳаммад Мамадалиевни фибрибгарлик йўли билан алдаб, 3850 сўмлик кийим-кечакларини олиб кетган шу шаҳарда яшовчи Т. У. исмли кимса экан.

ГИЕҲВАНД
ҚУЛГА ОЛИНДИ

Норин тумани ИИБ ДАН ходимлари Ж 84-91 НН давлат рақамли автомашинани текшираётганда, йўловчи бўлиш Наманган шаҳри фуқароси, ҳеч қаерда ишламай юрган М. Ж. да 38,7 грамм наркотик модда борлиги аниқланди.

ФАЛОКАТ
ОЕҚ ОСТИДА

Поп туманидаги Гурумсарой қишлоғида яшовчи, Чодак давлат хўжалиги ишчиси ўзига қарашли енгил автомашинани бошқаролмай қаршисидан келаётган мотоцикл билан тўқнашув содир этди. Натижада мотоцикл эгаси Анваржон Бозоров воқеа содир бўлган жойда бандликни бажо келтирди.

И. КАРИМОВ,
милиция майори.

СОДДАЛИК
ЧЕГАРАСИ

«Уйда бир ўзим ўтириб вино ичдим. Ўғрилиқ қилиш учун қопни олдимда, қўшни Юлдуз қишлоғида яшовчи сал-пал танишим Кўчқорниқига бордим. Деразасидан қарасам, ҳеч ким кўринмади. Эшикни очиб ичкари кирдим. Тўрда турган гиламини қопга тикдимда, уйга олиб келавардим».

[Айбдор С. Қаюмовнинг кўрсатмасидан].

Эртаси кунёқ қўлга олинган Султон ўз қилмиши ҳақида ана шундай содда ва лўнда кўрсатма бердики, Нарпай тумани ИИБ терговчилари ҳам ҳайрон қолишди.

Шунақа ҳам ўғри бўларканми-а! Ўғирлаган гиламини яширган жойини қаранг. Уй тўридаги хонхата остига. Жиноятчи дегинг ҳам келмайди. Ростданам қанақа жиноятчи бўлсин. Тагин пишиллаб ухлаб ётибди. Энди эса уни қамаш керак.

Ахир барибир ўғрида. Бунинг устига уйдан 35,5

грамм марихуана топилдику. Анчадан бери ҳеч қаерда ишламас экан. Бу ҳам одамнинг тақдир қилтиллаб, турганида бир важда. Мундоқ ўйлаб қарасанг, ишлаб турганда ўғрилиқ қилсанг кулги, ишламай туриб ўғрилиқ қилсангчи, шармандалик. Хуллас Султон қанчалик содда бўлмасин, барибир қамалди.

Энди, мабодо у борган жойидан чиққанидан кейин ҳам ўғирликми, бошқасини қиладиган бўлса, ҳеч қачон бунақа содда, лўнда кўрсатма бермайди. Бу аниқ, ишонинг!

ТОШКЕНТ

БИРИГА ТАРБИЯ,
БИРИГА ДАВО

Ҳовлидаги миш-мишлар Валерийнинг қўлогини динг қилди. Ўғрилар қўшни З. Бобожонови уйини ўмариб кетишибди. Валерий Арленнинг ёнига шошилди.

— Менга қара, ўғирликдан бутун ҳовли хабардор. Энди тезроқ нарсаларни сотиб гумдон қилмасак, аҳвол чатоқ.

Улар аввал катта буюмларни йўқотишга келишишди. Энг гавжум жой «Ганга» дўконининг атрофи. Шу ерда ярим соат турилса, ҳаммаси сотилиб кетади.

Йигитлар қўллариди сумка билан харидор излашяпти. Харидор ҳам топила қолди. Бир неча минг арзонига магнитофонли бўлиш кимга ёқмайди. Бироқ савдо амалга ошмади. Ўғрилиқдан хабардор этилиб, тез фурсатда изга тушган Ленин тумани ИИБ ходимлари Валерий ва Арленларни ашёвий далиллар билан қўлга олдилар.

Тергов давомида Валерий Андреевнинг 1990 йилда икки йилга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилингани, Арлен Шокировнинг эса эндигина 21 ёшга қадам қўйишига қарамай гиёҳванд бўлиб, мажбурий даволанишга муҳтож эканлиги аниқланди.

Садафия ЛАЪЛИ.

БУХОРО

СИГАРЕТФУРУШЛАР

Эркин тушпа-тузук сотувчи бўлиб ишлаётганди. Иқтисодий танқислик туғилдию, унинг ҳам ниятлари ўзгариб кетди. Энди ҳар бир дўкон оstonасини ҳатлаб кирган харидорга қўрқмасдан «йўқ» дейиш мумкин. Негаки биргина у ишлаётган дўконда аҳвол шундайми? Йўқ, бутун мамлакатда шунақа гаплар. Бундан буён дўконга бирор товар ажратилар экан, мана-ман деган сотувчи учун нақ байрамнинг ўзи. Бугун ҳам «Ўзглаббакалея»дан 100 яшиқ сигарета олиши керак.

Сигареталарга устама нарх қўйиб сотаётганлар камми? Биров уларга ёнинг деб даъво қиляптими? Бўрининг есада, емасада оғзи қон.

Эркин «бор-е», деди-да қўзини чирт юмиб, ҳар бир қути сигарета устига 95 тиғиндан қўйиб, 10 яшигини ҳайдовчи Ашур Тошевга бериб юборди.

Ашур ҳам фойдаси бўлмаса, 1 сўму беш тиғинлик сигареталарни икки сўмдан сотиб оладиган анойилардан эмасди. Уша маҳсулотларни Фармон Давлатовга 4 сўмдан ўтказди. Операция шу ерга етганида, милицияга кашафдалар арз қилишдими, хуллас сир фош бўлди.

Бухоро шаҳар Файзулла Хўжаев тумани ИИБ ходимлари сигаретафурушларнинг ҳакалак отган иштадасини бўғиб қўйдилар.

М. ЭРГАШЕВА.

ФАРҒОНА

«ПОСБОН» СОҒЛОМЛАШТИРИШ
МАРКАЗИ ҚУРИЛАДИ

Фаргона вилояти ИИБ раҳбарияти шундай қарорга келишди. Бунинг учун Фаргона туманидан уч гектар ер олинди.

«Милиция ходимларининг ҳар бир куни беҳаловат, асабий ўтади. Руҳан, жисмонан толиқишлари одатий ҳол. Биз барпо этмоқчи бўлган соғломлаштириш марказида ходимларимизнинг саломатлигини мунтазам текшириб туриш, зарурият туғилса даволаш назарда тутилган. Барча ходимлар белгиланган тартибда кўрикдан ўтказилади. Соғломлаштириш маркази коттеж услубида қурилади», — дейди вилоят ИИБ бошлиғи милиция полковниги Тоҳир Муллажонов.

М. КИМСАНБОВЕВ.

АВВАЛО ЎРГАНМАСИН

Аввало қўл эгриликка ўрганмасин экан. Бир ўргандими, одат қилиб оларкан.

Мана, Қаҳҳор ҳам бир йил олдин ўғирлик қилгани учун судланмаганимиди! Жазо муддати уч йил белгиланиб, уч йилга кечиктирилмаганимиди! Бироқ бу унга заррача таъсир қилмаган экан. Пушаймонлик, умрига ачиниш каби туйғулар унга ёт экан. Ҳатто ғирт бегоналар Қаҳҳорнинг ёшлигига ачинишди-я. У эса...

Атроф қоронғу. Қаҳҳор қоронғуликка ўрналиб, сирғалиб бормоқда. Пусиб, бировнинг ҳовлисига яқинлашди. Деворга суяб қўйилган «Восход-ЗМ» мотоциклнинг сассиз етаклаб чиқди. 500 метрлар чамаси яёв борди. У ёнига эса ўтказгичларни бир-бирига улаб ўт олдиридию, миниб кетди. Эртаси кунни моторини ва бошқа қисмларини ечиб олиб, оғил ичига қўйиб қўйди. Бироқ Нарпай тумани ИИБ ходимлари яширилган нарсаларни қийналмай топиб олдилар. Қаҳҳор олинатган ашёвий далилларни кўраркан, шалвирганча ўтириб қолди.

М. ИСРОИЛОВА.

Нуқтаи назар

ПАНЖАРА ОРТИДА ҲАМ ҲАЁТ БОР

Меҳнатнинг осони йўқ, — дейди Қашқадарё вилояти ҳамда Қарши шаҳар, Шайх Али кўрғони кенгашларининг ноиб, ахлоқ тузатиш муассасининг бошлиғи, ички хизмат полковниги Остон Саидов. — Иш топган одам уни бажаришга ҳам вақт топади.

Остон ака сўзни икки қилмайдиганлар тоифасидан. Шунинг учун халқ ишониб, унга топширган юмушни иш вақтидан кейин, дам олиш кунларида бажариш учун тиним билмайдилар.

Ноибликка сайланганига бир ярим йилдан ошган бўлса, 10 километрдан ортиқ газ тармоқлари ўтказилиб, 967 хонадон «зангори олов» билан таъминланди. 16 кўча асфальтланди. 3,5 километр узунликда қувурлар ётқизилиб, аҳоли ичимлик суви танқислигидан халос бўлди. Булар ҳали ҳаммаси эмас. Корхона ва ташилотлар ҳисобидан кўрғонда янги дорихона, 280 ўринли клуб, 2 та қишқи спорт зали, соғломлаштириш комплекси, 2 та дўкон, новойхона, сартарошхона, 4 та ҳаммом қурилиб, фойдава-нишга топширилди.

Бундан ташқари шаҳардаги Достоевский номли маҳалла кўмитасининг идорасини қуриш мўлжалланган. Маҳаллий масжидни таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган.

Муассаса қошида тузилган ёрдамчи хўжалик ташаббус-кори ҳам Остон акадир. Вилоят капитал қурилиш бўлими маблағидан ҳодим-ларга 88 қонадонли уй, 140 ўринли болалар боғчасининг лойиҳа-тарҳи тайёрланган. Келгуси режаларда эса 300 ўринли қишқи клуб, 2000 рақамли телефон станцияси қуриш ишлари кўзда тутилган.

Мен Остон ака бошқараётган муассаса фаолияти билан қизиқдим.

— Колониямиз умумий режими бўлиб, маҳбусларнинг аксариятини ёшлар ташкил қилади. Шунинг учун ёшлар тарбиясига алоҳида аҳамият берамиз. Модомики, тарбиянинг асосий омил меҳнат экан, муассаса техник билимгоҳига эга. Унда ўқиётганлар бир йил ичида минорали кран бошқарувчиси, газ электр пайвандчиси, 6 ойда эса дурадгор, сувоқчи, пардозчи, гишт терувчи, сантехник-чилангар касбларини мукамал ўзлаштириб,

қўлларига диплом олишади. Кечки ўрта мактабимиз ҳам бор.

— Мана маҳбусларнинг кўпчилиги ёшлар деяпсиз? Уларни жиноятга нима ундаган?

— Маҳбусларнинг деярли барчаси билан шахсан ўзим суҳбатлашганман, десам муболаға бўлмас. Улар бу ерда ўз ҳаётларига бошқача назар билан қарайдилар. Шунинг учунми, терговчи ёки судга қараганда, биз билан очиқчасига гаплашишади. Ўзларининг ички тугёнларини, армонларини баён қилишади. Менимча, ана шу имкониятни қўлдан бой бермаслик керак. Шу пайтда уни тарбиялаш фурсати етилган бўлади.

Агарда ёпиқдагиларнинг содир этган жиноятларига назар ташласак — ўғрилик, қисасавурлик, безорилик. Биринчи марта судланиши. Аммо у бунга қадар майда-чуйдаларни ўғирлаб юрмаганми? Юрган. Атрофдагилар, ота-оналарнинг бефарқлиги, баъзи буюмларнинг қаровсиз, «ёмон» ётганлиги, эгасизлигини кўриб, катталарнинг бевоқифлигида «тажриба» орттириб, кейингина йиригига қўл урмадимикин? Ўз вақтида жавобсиз қолган жиноят акси эмасмикан бу? Айрим ота-оналар тарбия бериш у ёқда турсин, ўзлари тарбияга муҳтождирлар. Қонунларимиз бўшлигининг ҳам таъсири бор бунда.

Ёшларнинг орасида тарқалган бачкана қилиқлар хусусида гапирай. Айтайлик, уч-тўрт нафар йигитлар йиғилиб, гурунглашишмоқда. Аёл киши ёки йигит ва қиз ўтиб қолса, албатта, гап отишади ёки мазаси қилишади. Агарда «жавоб» берилса, бас, тўғридан-тўғри ҳақоратга ўтишади. Оқибат жанжал, муштлашув билан тугайди. Бир қараганда, «шўхлик» бўлиб туюлган нарса безориликни келтириб чиқаради. Ваҳоланки, мана шу гуруҳдаги йигитлар яққа ҳолда ҳеч қачон бировга ортиқча гапирма-лишмайди. Аммо тўдаланишса, шерикларига қимлигини кўрсатиб қўйгилари келади. Бу ҳам одоб-ахлоқнинг йўқлигидан далолат беради.

Ҳа, муассасада жазо муддатларини ўтаётган ҳар бир маҳбусни ҳақиқий жиноятчи деб бўлмайди. Улар орасида тасодиф туфайли, адашиб, калта ўйлаб, қизиқиб

ва бошқа ҳолатларда жиноятчига айланиб қолганлари анчагина.

Бу нарса меҳнатларида ҳам, юриш-туриш, қизиқишларида ҳам акс этади. Муассаса ҳовлисидаги дам олиш бурчакларига кўз югуртираман. Темир панжаралар нақшли ишланиб, дид билан ўрнатилган. Ошхона ва кутубхонадаги қандиллар сержиллиги билан кўзни қамаштиради. Ишдан чиққан люминисцент лампаларини ташлаб юбормай, уларни турли ўлчамда қирқиб, рангларга бўяб, қандиллар ясаган ҳам маҳбусларнинг ўзлари экан. Қаёққа қараманг дид, ҳафсала билан ишланган буюмларни кўриб, кўзингиз қуво-нади. Уларни томоша қиларкансиз, панжара ичида эканлигинингизни унутиб қўясиз.

Ҳаммаси маҳбусларнинг қўли, кучи билан қилинган. Бундан ташқари Қарши шаҳар болалар шифохонаси, қўналға, Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш, ирригация ва муҳандислик олий билимгоҳи филиали биносини, унинг спорт комплексини қурганлар ҳам ана шу муассаса маҳкумларидир. Ҳозирги кунда эса виллоят банки биноси қурилиши жадал суръатда олиб борилмоқда.



Маҳкумлар халқ хўжалиги, меъмурий биноларни тиклаш билан бир қаторда, очикдаги бўлаётган ўзгаришлардан воқифдирлар. Ўзларини унга кўнгиштириб бормоқдалар. Бундан бир неча ой бурун эски ўзбек алифбосини ўрганиш истагини билдиришганди. Раҳбарият уларнинг истаklarини қўлаб; дарсликлар келтиришди. Муаллим таклиф этишди. Ўқувчилар сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Маҳбусларнинг қизиқишларини инobatга олиб, Қуръони шарифдан ҳам мутлоалар ташкил этилган. Бу хайрли ишга Қарши шаҳар имоми холисанилло бош қўшибдилар.

Дарҳақиқат аввалги тарбиявий ишлардан фарқли ўлароқ унинг самараси кўз ўнгиде кузатилади экан, нечун унинг кўламини кенгайтириш мумкин эмас? Эҳтимол шунинг учун ҳам бу ерда ички қонун-қоидалар бирор марта бузилмагандир. Шу боис ўнлаб маҳбуслар муддатидан илгари озодликка чиқаётгандир.

Буларда эса Остон аканинг ўрни, нуфузи, хизматлари беқиёс.

Б. ҲАМИДОВ.


(Муаллиф ушбу мақола-нинг қалам ҳақини рўзнома жамғармасига ўтказишимизни сўраган).




БУ ЖАННАТИ ЖОЙЛАР ПАНЖАРАНИНГ НАРИГИ ТОМОНИДА...



Кутубхона ҳам, сартарошхона ҳам ўз бунёд-корлари хизматида.



— БИНОНИ СИФАТЛИ ҚИЛИБ ҚУРАМИЗ. — ДЕЙИШАДИ МАҲБУСЛАР.



Хизматларда

ИЖК

ШАҲАРНИНГ
ДАРВОЗАСИ БОР

Олибсатарлару чайковчилар оғзида бир гап: «ОБХСС тугталибди. Сулаймон ўлди, девлар қутилди!»

Йўқ! Бундай нопок фуқаролар билиб қўйишсин, бошқа масканларда бўлгани каби бизнинг Олмалиқ шаҳримизда ҳам уларнинг пайини қирқувчи хизмат — Олмалиқ шаҳар ИИБ иқтисодий жиноятчилик билан кураш бўлинимаси тузилган ва у ўз фаолиятини аллақачонлар бошлаб юборган. Бўлинима шахсий таркибининг асосий вазифаси жумҳуриятимиздаги барча турдаги мол-мулкнинг вақтинчалик танқислигидан фойдаланиб қолишга уринаётган номинсоф ва қасамхўрларга қарши аёвсиз кураш эканлигини ҳам эслатиб қўймоқчимиз.

Бўлинима ўтган йил бадалда иқтисод йўналиш бўйича 101 жиноятни фош этди. 63 та жиноят иши қўзғатилди. Давр талабини эътиборга олиб, асосий куч олибсатарларга, ҳисобдан беркитиб ўмарил, харидорлар ҳақида хиёнат каби ғайриқонуний ҳаракатларни бартараф этишга қаратилди. 143 савдо шохобчалари текширилиб, 78 маротаба қонунга хилоф ҳатти-ҳаракатлар қилинганлиги аниқланди. 41 марта харидорлар ҳақида хиёнат, 7 бор ўғирлик, 6 марта савдо қондаларини бузиш каби иллатларга дуч келинди.

12-дўконнинг бўлим мудираси Т. Тян 3 минг 667 сўмлик маҳсулотни очик савдодан берикитган, 43-дўкон сотувчиси Л. Кудряшева харидорларга пиво сотаётганда, 2 сўм 80 тийин қайтим беришни «эсдан» чиқариб қўйган. Омборхонасидан 1 минг 697 шиша пиво олинган.

260 шиша «Жасорат» виносини ноқонуний ҳолда сотаёт-

ган М. Йўлдошевда ҳақиқий жасорат йўқ экан. Бу шахсан унинг учун қутилмаганда бўлган учрашувда аёнлашди.

«Рус ароғи»ни устама нархда пуллаётган «Моҳир қўллар» ширкатининг ходими А. Сабриддинов амалда ўз корхонасининг номини исботлади-ю, бироқ унинг ишбилармон қўллари опергурух ходимлари олдида заифлик килди.

Фуқаро Л. Беляя уч донга чангютгич ва ўнта тарозини сотиб фойда кўрмоқчи эди, аммо адолат тарозиси олдида ожиз қолди.

Шаҳардаги уй-рўзгор кимё заводидида ноёб маҳсулотлар қушандалари пайдо бўлганлиги тўғрисида хабар олинган, опергурух тузилди. Орадан кўп вақт ўтмай, Н. Медведева, Л. Филимоновалар икки килограмм мўмие 16 минг сўмга пуллаётганларида тумшукдан илдиндилар. Тинтув давомида Н. Медведеванинг уйидан ўн бир ярим килограмм мўмие, 650 грамм облепиха ёғи, Л. Филимонованинг уйидан эса ярим килограмм мўмие топиб олинди.

Уларнинг иккови ҳам бир корхонада ишлайдилар. Н. Медведева аэрозол йиғув цеҳида бўлинима бошлиғи, Л. Филимонова — технолог. Иш жойларидаги ҳужжатлар текширилганда 42 килограмм ҳисобдан ортиқча мўмие борлиги аниқланди.

Хулоса: ёмонлиқнинг пайи қирқилиб келган, қирқилиб келяпти ва бундан кейин ҳам қирқилаверади. Айрим кўнгли қоралар билиб қўйишсин — Олмалиқ шаҳрининг ДАРВОЗАСИ БОР ва посбонлари хушёр!

М. МИРЗАЕВ,

Олмалиқ шаҳар ИИБ бошлиғи милиция майори.

ДУНЁНИ СУВ БОССА,

ўрдакка не ғам, деган нақл бор. Бежиз эмас. Ахир, ўзингиз танангизга бир ўйлаб кўринг. Бугунги иқтисодий тақчиллик азобини деярли ҳар биримиз тортаямиз ёшимизу касбимиздан қатъий назар. Ётганда ҳам, турганда ҳам, юрганда ҳам бу кунлар тезроқ ўтиб кетишини илтижо қилишимиз. Аммо ораимизда юқоридаги мақол қаҳрамони — ўрдакни эслатувчи шахслар ҳам кўп. Улар қўлга келган тўйдан фойдаланиб, ўзгалар азоби ҳисобига бойлик орттиришни одат қилганлар. Гўёки сувда оқиб кетаётган қурт-қумурсқаларни териб еяётган ўрдак мисоли.

Айниқса, ҳозирги кунда янги иморат қурилишини бошлаб қўйганларга қийин бўлди. Бир пайтлар осонгина «Стройматериалы» дейишга ўрганганимиз бугунги кунда аниқнинг уруғига айланган. Ҳеч қайси дўкондан тополмайси. Аммо Гурлан қишлоғи Беруний кўчасидаги 27-уйда истиқомат қилувчи Омонжон Собировага бу нарсалар тайёр. У ўз уйида харидор Тожибой Собировга 30 қўти бўёқни пуллаб, унинг 90 сўм ҳақини уриб қолаётганда, милиция ходимлари томонидан ушланди.

Бу ҳам майли. Қурилиш материалларини тополмай қийналсангиз, икки-уч йилга ташлаб қўйиш ҳам мумкин. Аммо кашандалар нима қилишсин? Чекишга ўрганган одам икки-уч йилдан кейин хумор ёзарман, дея олмайди-ку! «Родоли», «Онал», «Феникс», «БТ»... бир пайтлар ўрганган кўнглини қувнатиб, дўкон пештахталарида терилиб турарди. Арзонгина эди. Энди эса ўша хилма-хил қўтилар гойиб бўлиб, чайковчи уйдан қўнми топан. «Коммунизм» жамоа хўжалиги кинолаштириш идорасида ишлайдиган Омонбой Болтаев ўшандай чайковчиларнинг тирик вақилидир. У «Астра» сигаретасининг ҳар қутисини 6 сўмдан пуллаётган экан.

«Қорақалпоғистон» жамоа хўжалиги аъзоси Собир Валиев эса «Полёт» сигаретаси учун 4 сўмдан сўраётганида сирини фош этилди. Унинг ёнидан яна 49 қўти шундай маҳсулот топилди.

Бундай ўрдакмижозлар рўйхатига умумий овқатланиш корхонаси ишчиси Жумагул Рўзимовани ҳам қўйиш мумкин.

Муҳиддин НАВРУЗАЛИЕВ.

ЖК

Маълумки иқтисодий бўҳрон, жиноятчиликнинг ошмишида асосий омил бўлмоқда. Бунга маънавий инқирозни ҳам қўйиш керакки, албатта бусиз, иқтисоднинг ўзигина одамларни кўп нарсаларга мажбурлолмайди. Туманимизда кейинги пайтларда мол ўғирликларни одатий ҳолга айланиб қолди. Бунинг сабабларидан бири ўша қийинчилик бўлса, бевосита алоқадорлари эса ўша мол эгаларининг ўзидир. Улар мол-қолларини қаровсиз ҳолда дала-дашларга қайдаб, юбориб, мутлақо қай-гуримайди.

Яқинда ана шундай иш билан шугулланиб келган учта гуруҳини фош этдик. Улардан бири Холдор ва Бахтиёрлар бошчилиги қилган гуруҳ бўлиб, у Ғолиблар касабасида ташкил қилиниб, олти ой давомида «Ғолият» кўрсатишган. Ҳаракат доираси Арнасой ва Мирзачўл туманлари ҳудудларини. Улар асосан, дала-дашларда қаровсиз юрган молларга ружу қўйишган. Қўлга киритганларини мунтазам равишда Мирзачўл, Ғагарин мол бозорларида пуллашган. Жиноий гуруҳ қўлга олинган, улар Мирзачўл туманида ҳам 20 та қўй ўғирлаганлари аниқ бўлди. Тергов кетаяпти.

Иккинчи гуруҳга эса Акбар ва Нурмамат исмли муқаддам қўй ўғирлиги учун қамалиб чиққан йигитлар бошчилиги қилган. У қўшни Дўстлик туманида тузилган. «Малакали» йигитлар дангал ишни яхши кўришаркан. Рокксовский номли давлат хўжалигидан Эшқувват Болтаев бошқараётган фермер хўжалигидан тунда 40 бош қўйни қайдаб кетишган. 5 километрлар жойга-ча яёв боришган. «Зил» машинасига ортиб, катта йўл билан Жомбой туманига олиб

кеттишди. Қизиги шундаки, йўлда қанчадан-қанча ДАН постлари бўлишига қарамай, уларни ҳеч ерда тўхтатишмаган, ҳужжатларини суриштиришмаган. Бошқа ўғирликларда ҳам худди шу ҳол юз берган. Жиноятчилар ўғирлиги молларни ортиб, бемалол туманма-туман кезиб юраверишган.

Хуллас, йигитлар Жомбойда қўйларининг 18 тасини қариндош-уруғларига 2-3 мингдан сотишадиган қолганини шу ерда қолдириб, ортга қайтишадди.

УЧ ГУРУХ
ҚЎЛГА ТУШДИ

Оператив йўл билан ўғирларнинг изига тушдик. Ходимларимиз уларни Пахтакор шаҳрида қўлга олишди. Маълум бўлишича, Мирзачўл туманидан 3 та қорамол ҳам ўғирланган экан. Сотилган жойи — Булунгур туманидан моллар қайтариб келиниб, эгаларига топширилди.

Бу гуруҳ аъзолари пухта тайёрланиб, бир ишга қўй уришган. Ўша кўни машина рақамини бўяб ташлашган, оёқларида эса қўшниларикидан ўғирланган калишлар бўлган.

Пахтакордан Арнасойга меҳмонга келган тўрт йигит қайтишда йўл-йўлақай Фучик номли давлат хўжалиги ишчиси Муҳаммад Мажиловнинг уч бош сигирини етаклаб кетишди. Улар ҳам оператив йўл билан фош этилиб, қамолқа олинди.

Шуни айтиш лозимки, қўй туманларида ишлаётган мили-

ционерларга бошқа жойлардаги ҳамкасбларига нисбатан ишлаш бир неча баробар оғирроқдир. Чунки бу ерда асосан турли томонлардан келган кишилар яшабди ва буларнинг ичидида ҳар хил тоифадагилари ҳам кўп. Шунингдек қўй туманларида келиб-кетувчиларнинг кўплиги сабабли аҳоли мунтазам алмашиб туради. Тўб яшовчи кам. Одамлар бир-бирини кам билишадди. Бу ўғирларга жуда қўй келмоқда. Милиция ходимлари учун эса кўпгина мушкулотларни келтириб чи-

қаради. Яна бу ерда мавсумий ишга келувчилар анчагина. Уларнинг ичидида эса судланганлар, қочиб юрганлар ҳам кўп. Бугун бу ерда бир жиноят қилишса, эртага бутунлай ўзга жойларга кетишаверади. Натижада бизлар учун анча-мунча қийинчиликлар туғилади. Юқорида мисол қилиб келтирилган жиноятларга эътибор қаратадиган бўлсак, уларнинг ҳеч бирида, воқеа шу жойда содир бўлиб, шу жойда ҳал бўла қолмаган. Бир жойда бўлган ишнинг илдизини бошқа тумандан, бошқа вилоятлардан излашга тўғри келади.

Кўриниб турибдики, бизда аҳоли анча мураккаб. Шунга қарамайдан илҳом борица текихўрларнинг пойига болта уришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Дехқонбой РАҲАБОВ,
Арнасой тумани ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги.

ДАН

Ҳайдовчилар яхши билишадик, ҳаракат қондасини бузганлик учун жавобгарлигини кучайтириш ҳақидаги қонун кучга киргандан кейин огоҳлантириш талонисиз бирор транспорт воситасини бошқариш мумкин бўлмай қолади. Агарда ана шу тартибга амал қилинмаса, ДАН ходимлари томонидан ҳайдовчилик гувоҳномаси олиб қўйилади. Мабодо мазкур талон йўқотиб қўйилган бўлса, ҳайдовчи йўл ҳаракати қондалари бўйича қайта синавдан ўтишга мажбур этилади. Худди шунингдек, бир йил давомида ёки ундан

ларида Ўзбекистон ҳамда Қорақалпоғистон Республикалари ҳудудида доимий ёки вақтинча яшаб турган, паспортида (ҳарбийларнинг ҳарбий билетиди) шу ҳақда белги бўлган ҳайдовчиларга берилади.

Бу юртимизга бошқа республикалардан ташриф бурюрган, уч ойдан ортиқ муддат шу ерда ишлашни мақсад қилган фуқароларга ҳам тегишли. Фақат ўша муассаса ёки ташкилот маъмурияти номидан ёзма равишда мурожаат қилиниши керак.

Огоҳлантириш талонини олиш учун фуқаролар ўзлари яшаб турган шаҳар

ломатлигини ҳақида тиббиёт тасдиқномаси, сурат ва кассага беш сўм тўлаганингизни тасдиқловчи квитанция ҳам талаб этилади.

Айни кунларда огоҳлантириш талонини мунтазам равишда тарқатиш барча туман ва шаҳарлардаги рўйхатга олиш, имтиҳон бўлим ва бўлиналарида йўлга қўйилган.

Яна бир енгиллик. Агар кўп миқдордаги транспорт воситаларига эга бўлган корхона, ташкилот, муассасалар раҳбарияти жавобгарлиқни зиммага олиб,

ДИҚҚАТ: ОГОҲЛАНТИРИШ ТАЛОНИ!

ортиқ муддат транспорт воситасини бошқармаганлар ҳам бу борадаги билим ва маҳоратларини синавдан ўтказишларига тўғри келади. Кўриниб турибдики, кўча-кўйларда содир қилинаётган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида жорий этилаётган янги тартиб ҳамма учун баробар.

Ана шу нуқтан-назардан келиб чиқадиган бўлсак, ҳайдовчилик гувоҳномасига илова сифатида бериладиган огоҳлантириш талонини қай йўсинда олиш мумкин, деган савол ҳамма бирдек қизиқтиради.

Огоҳлантириш талони ИИБ Давлат автомобиль назорияти бошқармасининг барча рўйхатга олиш ва имтиҳон бўлим ва бўлиналарида

ёки тумандаги рўйхатга олиш, имтиҳон бўлимларида паспортларини (ҳарбийлар ҳарбий билетини), имтиҳон варақасини тақдими этилади. Ҳужжатлар текширилган, бериладиган огоҳлантириш талонининг серияси, рақами ва берилган вақти паспорт ёки ҳарбий билетнинг алоҳида белгилар қўйиладиган бетига, полиэтилен ғилофга солинмаган ҳайдовчилик гувоҳномаларига ёзиб қўйилади. Қўшимча қилиш лозимки, гап фақатгина талон хусусида борса, юқорида қайд қилинган ҳужжатлар билан бирга кассага ўн сўм тўланганлиги ҳақидаги квитанцияни кўрсатиш шарт. Агар ҳайдовчилик гувоҳномангиз эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолган бўлса, қўшимча равишда са-

хат билан мурожаат қилса, бизнинг ходимларимиз ўша ерларга бориб огоҳлантириш талони тарқатишни ташкил қилишлари мумкин.

Ва энг охириги — юрдошларимиз бу янги усулни ДАН ходимлари томонидан ўйлаб топишган ортиқча даҳмаза ёки расмийлик деб қабул қилмасликларини керак. Бу ўзгаришлар халқнинг йўлларда бир-бирини қувалаб ўтаётган юзлаб, минглаб транспорт воситалари ҳайдовчилари маъсулиятини ошириш, шу тариқа бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш борасидаги хоҳиш-иродасидир.

Рамзиддин
МУҲИДДИНОВ,
Тошкент шаҳар ИИБ
ДАНБ ходими, милиция
катта лейтенанти.

Бир жиноят тахлили

ТАХРИРИЯТДАН: ўқиб чиқач, ёдингизга тушса керак, ушбу қотилликнинг очилиши хусусида бундан роса бир йил бурун мақола эълон қилган эдик. Унда асосий гап ҳуқуқ ҳимоячиларининг мазкур қотилликни қандай очишгани

Орадан икки кун ўтгач, уйга келган Шигапнинг кўрқувдан ўтакаси ёрила-ёзди. Ҳамма нарсалар бетартиб бўлиб ётар, сочиб ташланган асбоб-анжомлар, идиш-товуқлар, бу ерда ҳукм сураётган дахшатли бир сокинлик, жимжитлик кишининг қалбига ғулу, кўрқув солиб, яқинда қандайдир мудҳиш воқеа содир бўлганига ишора қилиб турарди. Ошхонадаги аҳвол кинолардагидек эди. (Кимлар учун кинолардагидек, кимлар учун умрли азоб). Мурда (нафақат мурда, балки Шигапнинг ораси) полда ётарди. Боши мажақланган, қўллариди жароҳат излари, ён-атрофдаги қон доғлари унинг ўлим талвасасиди тўлғонишларидан дарак бериб турарди... Айвончада эса ҳамма ёққа ун сочиб юборилган, ун солинган челап эса бир бурчакда. Шигап зудлик билан милицияга хабар қилди... Булар ҳаммаси икки кун кейин. Икки кун бурун эса... Тушликка яқин Седой Табриснинг ишхонасига борди...

Геннадий Б. (лақаби «Седой») муддатнинг охирига ўзи учун керакли хулосалар чиқариб олмади, яхши томонга ўзгармади. Озодликда юрган чоғида жиноят содир этиши мумкин.

(Қамоқхонадан Генага берилган «тавсифнома»дан).

Унинг озодликка чиққанига кўп бўлгани йўқ. Эндигина бешинчи ой кетяпти, холос. Бу муддат ўн беш йилнинг (у шунча «ўтирган») олдида ҳеч нарсаси эмас. Судланиши ҳам бир эмас. Олдин ЖМнинг 204-моддаси билан бир йил (шартли) жазоланган. Кейин эса 80- ва 210-моддалар билан айбланиб (қотиллик), 15 йилга кесилди. Бугун ҳеч кимга сир эмас, «у ёқда» яхшигина тарбиялашади. Бу сабоқлар қайси томонга қаратилганлигини ҳам биламиз. Қамоқ бу ахлоқ тузатиш (номни ҳам жаранглатиб қўйиб олганмиз) маскани эмас. Аслида, ана шу «тузатиш»ни «бузиш» деб тузатиш керак. Дарвоқе, биз нарсаларни ўз номи билан аташдан кўрқамиз-ку! Нима бўлганда ҳам ҳайвонга ҳайвондай муомала қилинади, агар уни шундай қилишни исталса. Тарбиялаш эса бошқача бўлади.

Хуллас...

Седой (шу ном билан атаб кетаверамиз энди) қайтиб келгандан сўнг беш ой ўтгач, Табриснинг ёнига борди. У ҳам анойилардан эмас, 88-модданинг «В» банди билан етти йил «тузалиб» келган. Яқинда икки йил бўлади. Ўша кун иккаласи ҳам маст бўлган. Фикр кимдан чиққан бўлса ҳам, ишқилиб соат кундузги иккиларда кампирнинг уйи томон йўлга тушишади. Ҳар ҳолда, зиярат қилиб келиш ниятида эмас эдилар.

«Табрис жуда жаҳлдор, бошқаларнинг нарсаларини тортиб олиши, ҳеч нарсадан ҳеч нарсасиз одам ўлдириши мумкин. Ўқирмаган киши дўшмандлашга, ўғрилиқ қилишга ҳам қодир».

(Собиқ қамоқдошининг кўргазмасидан).

ҳақида борган эди. Бугун эса содир этилган воқеани ёритдик. Мақола босингга тайёр қилиб қўйилган чоғда яна бир хабар олдик: иккаласи қотил ҳам олий жазога ҳукм қилинди. Нима ҳам дейиш мумкин. Нима эксанг шунини ўрасан.

Кампир эса ёлғиз яшарди, чол роппа-роса икки йил бурун қазо қилган.

— Мен уни 1957 йилдан буён биламан, — деди Кудакеевнинг танишларидан бири терговда. — Кейинги пайтларда сўнгги эрини тез-тез эслайдиган бўлиб қолган эди. Суҳбатларда соғинган пайтларида эрининг кийимларини ҳидлаб, унинг исини туйиб, туйиб-туйиб йиғлаб олишини кўп гапирарди. У менга ўша кийимларни кўрсатгани йўқ, лекин иккита эканини айтган.

Кудакеева билан Табрис аввалдан таниш эдилар. Ҳатто шу йилнинг 21 феврал кун ҳаммаси билан келиб, унинг ваннаси-

«Ўша кун 14.00 да Седой ишхонамга келди. Кудакеевнинг уйини ўмарини таклифи билан. Кўнмадим. Орадан бироз вақт ўтгач, Кудакеевнинг газ плитасини ремонт қилгани бордим. Ишни тамомлаб энди кетай деб турганимда, Седой келиб қолди. Унга «Кетдик» дедим, хоҳламади. Ниятини тушуниб, кўриб уйимга кетдим. Орадан 40-50 минутлар ўтиб, ишга бораётсам, йўлда яна уни кўриб қолдим. Қўлида ичи лик тўла қора сумка бор эди. У сирга тутқазиб, Кудакеевнинг ўлими ҳақида фақат мен билишимни, «ғиқ» деб оғиз очгудек бўлсам, мени ҳам ўзига қўшиб битта модда билан олиб кетишини айтди. Кейин ажралишдик».

Шу...

Энди Седойга қайтсак. Олдинги кўргазманинг ҳаммаси «пуф, сассиқ»қа чиқди. «Қадрдони» бундай деб тургач...

«Мен ҳеч нарсани билмайман», — деб туриб ол-

эшилди. Нимадир полга йиқилгандек эди. Буларга эътибор бермай хонага ўтиб кетдим. Соат тўртларга яқин эса меҳмонга боришга ҳозирлик кўра бошладим ва Кудакеевнинг эшиги томондан калитларнинг шарақлашини эшитдим. Кимдир эшикни қўлфлаётган эди. Шунингдек, эркак кишиларнинг ўзаро секингина гаплашаётганлари ҳам қўлогимга чалинди. Кейин эса кўчада икки эркакка кўзим тушди. Улар бизнинг уй томондан кетаётган бўлиб, бирининг елкасида нима биландир тўлдирилган қора сумка бор эди.

— Кудакеева сизга эрининг кийимлари ҳақида ҳеч нарсаси демасми?

— Нега демас экан? Айтган. Эримнинг иккита оғоз кийилган кийими бор, шунини олгин, деб юрарди. Умуман, у кийимларни кўрмаганман, лекин ўзининг айтиши бўйича иккаласи ҳам оқиб рангли экан, Седой тергов идорала-

Қотиллик юз берган жойдан йўқолган қизил кўзли сиргани эса Табрис ўз ихтиёри билан терговчиларга топширди.

Седойнинг кийими ҳақидаги гаплари ҳам ёлғиз бўлиб чиқди. Мутахассиснинг кўригидан ўтказилганда, улар ҳеч қачон қайта тикилмаганлиги маълум бўлди. Бировнинг эски кийимини меники дейиш учун бетнинг териси анчагина қалин бўлиши керак. Айниқса, сен даъвогарлик қилаётган буюмининг эгаси анчадан буён тириклар орасида бўлмаса. Бировнинг эски-тускиси деб одам ўлдириш учун эса бетда теридан ҳам қалинроқ нимадир бўлиши керак. Энди ўлганларнинг нарсасидан-да, ҳазар қилмай қўйган бўлсак... Бу ҳолда узоқ кетишимиз қийин... Ҳаммаси кўрт еб бораётган маънавиятда. Буларнинг барчаси одамларнинг тубанлашиб бораётганидан дарак беради, холос.

Суд-тиббиде кўригининг хулосасига кўра кампир очик бошчаноқ-мия жароҳатидан ҳалок бўлган.

Седойнинг таъриф беришча воқеа бундай бўлган (биринчи кўргазма).

Эшикни кампирнинг ўзи очди. Табрисни аввалдан танирди. Уйга кириб ошхонага ўтишгач, Седой металл парчаси билан аёлни бошига икки марта уради. У полга йиқилгач, иккаласи ҳам қимматбаҳо нарсаларни излашга тушишади. Седой олдин хонага қиради, Табрис эса ошхонада қолади. Кейин у айвончага чиққач, Табрис хонага ўтади. Челақдаги унни титаётганда, ошхонанинг полида ётган аёл қиқчириб қолади. Табрис у ерга чиқади-ю, овоз тинади. Кейин айтилган нарсаларни олиб (Бу ўртада Табрис пул ҳам топган, лекин унинг қанчалигидан Седойнинг хабари йўқ. Унга фақат 35 сўмгина берган) йўлга тушишади.

... Табрис Кудакеевнинг қўлида қизил кўзли тилла сиргани кўргач, ўзининг қасддан қотиллик қилишга йўналтирилган жиноят ўйини давом эттириб, металл болга билан (зубиладан тайёрланган, бир томони ўткирланган) жабрланувчининг боши ва қўлига бир неча бор уради. Шундан кейин тилла сиргани ечиб олади.

«Айблов хулосаси»дан.

Айнан шундай бўлганми, йўқми, қафолат йўқ, балки бошқачароқдир... Лекин қотиллик бўлгани, уйдан эски-тускилар, пул, заём, ароқ, мурдадан сирга йўқолгани, буларнинг кўпчилиги айбланувчилардан топилгани аниқ. Айбланувчилар олдин ҳам «оз-моздан» жиноят қилиб «кесилиб» келганлар. Албатта, олдинги ишлари учун ҳисоб беришган. Афсуски, уларнинг бурунги жиноятлари эмас, мана шу «ҳисоб»лари дахшатлироқ. Чунки у ёқдан ҳеч ким «одам бўлиб», яъни тарбияланиб қайтмаган. Қайтиш ҳам даргумон. Худди ана шу «қайтиш» ҳам даргумон бўлган жойдан қайтган икки киши жиноят содир этилган жойда бўлгани ҳам аниқ. Фақат бир нарсаси — жиноятчи ноаниқроқ... Умуман олганда улар бор, фақат «ўламақ саттор, билмайман», деб турса...

Тергов уларнинг бу ҳаракатларини муқаррар жазодан қочиб кетиш, тергов ишларини тўғри йўлдан адаштириш учун уринишлар деб баҳоламоқда.

Ёқубжон ЖАМОЛОВ,
Исмомил ШОМУРОВОВ.

ҚОҚ ПЕШИН ЧОҒИДА

ни алмаштириб беришган. Кейинчалик яна, ўша машғум куддан икки кун бурун, бир ҳамкасби билан аёлни газ плитасини таъмирлаб берган. Бу даврда Седой ҳам Табриснинг ишхонасига келиб турган. Нималар ҳақида гаплашишгани аниқ эмас. Пайвандишлари чоғида эса (у пайвандчи бўлиб ишлаган) Табрис кўпинча зубиладан ясалган қўлбола болгадан фойдаланган. Унинг бир учи ўткирланган бўлиб, иккинчи томони эса тўтмоқ эди.

Кампир эшикни ҳеч шубҳаланмай очди. Эски таниши Табрис келиб тургач...

Шигапнинг гувоҳлик беришича, орасида 50 сўмлик, жами 2800 сўм заём, 300 сўмга яқин пул бўлган. Унинг айтишича, заёмни сирланган челақда, унинг ичида сақлаган, пул эса ётқининг остидаги чойшабининг орасида турган. 8 мартдан кейин опаси иккита кийимнинг бозорга чиқариб сотмоқчи бўлиб юрган эди. Бундан ташқари Шигап худди шу машғум 6 мартда эрталаб тўққиз яримларда опасининг: «Ваннани алмаштириб берган слесарларга беришим керак», — деб қилган илтимоси учун унинг уйига 5 шиша ароқ келтирган эди.

Иккаласи кампирнинг уйига бирга кириб келишди. Кейинчалик «Сен қилдинг, мен кўрмадим» деган гаплар авж олиб кетган бўлсада, ҳозирча бирга кириб келишди. Шунини айтишсалар керакда, дўстинг ким бўлса душманинг ўша, деб.

Дарвоқе...

Кейинчалик ростдан ҳам буларнинг ҳатти-ҳаракатларидан ўша пайтдагидек «Немага тушганинг жони бир», «Ўлсак ўлигимиз битта» деганга ўхшаб баландпарвоз гаплар асосига қурилган дўстликни кўриб бўлмай қолди.

Седойнинг биринчи берган кўргазмасида мантқиқ ҳақиқатга яқинроқдай. Иккинчидан бошлаб эса... Табриснинг берган кўргазмасидан кейин унга ҳам алам қилган бўлса керак.

Мана Табрис терговда берган кўргазманинг қисқача баёни:

ди. Тўғри, ҳаммасини бутунлай йўққа чиқараётгани йўқ. Хусусан, олдида борганида, Табрис унга шу аёлни уйини тунашни таклиф қилгани, кўнмагани, у эса зўрлаб аёлни уйини кўрсатгани, хонасининг рақамларига айтиб бергани, шунда ҳам кўнмагач, қора сумкани — ташлаб кетишни илтимос қилганини, сумкани бериб, бир дўстиникига бориб қайтаётгани, йўлда яна ўша Табрисни учратганини, унинг қўлидаги, ўзи берган сумка лик тўла бўлиб, «Кудакеевникига кирдим, ҳаммаси жойида», — деб ичидан беш шиша ароқни олиб, сумкани тутқазиб: «Бунда яна беш шиша ароқ, қўлқоп бор, уни бирор жойга улоқтириб юбор», — деганини тан олаётгани, ароқни уйга олиб бориб ичганини ҳам. Қолганини эса билмайди.

Табриснинг кейинги берган кўргазмаси олдингисидан ҳам ошиб тушди. Эндигисидан у ҳеч нарсадан хабари йўқ, бегуноҳ одамга чиқиб қоляпти. Жуда-ям оппоқ... Ҳатто Кудакеевни дурустроқ ҳам эслаб ўтмаган. «Газ плитасини тузатиб бердим». Шу. У ҳақида бошқа бирор оғиз ҳам. Ҳатто олдинги сафар аёлни уйдан чиқиб кетиши чоғида келиб қолган Седой бу сафар йўқ. Пьесанинг ўзгаси... Седойни кўчада кўрибди. У бунга сирга совға қилибди-ю, ҳатто пулини ҳам олмабди!

Олтинчи март кунини соат иккиларга яқин ишдан қайтиб келдим, — деди Кудакеевнинг қўшини терговда. — Ошхонага кирсам, кампирнинг хонаси томондан келаётган аллақандай товушлар қўлогимга чалинди. Қўшним ким биландир ўрнча бўлмаган тилда гаплашаётган, суҳбат нима мавзуда кетаётган эди, англолмадим. Дам олиш учун хонамга кириб кетдим. У ерда озроққина вақт бўлиб ошхонага чиқдим у қўшнимнинг хонаси томондан келаётган зарбларнинг синиқ товушини эшитдим. Дастлабки иккита зарб олдинма-кетин бўлди, худди ғўшт чопишаётгандек эди. Учинчи зарб эса бир неча дақиқадан сўнг

рига берган иккита кийимни «ўзимники эди», деб туриб олди. Айтишча, у буларни 1990 йилнинг сентябрь ойида дўкондан ҳар бирини 80 сўмдан олган, кейин кичрайтириб бериш учун устага берган экан.

Март ойида ўғлим иккита кийим олиб келди, — деди Седойнинг онаси терговда, — ва уларни сотиб олганини айтди. Булардан ташқари у тўртта, бештами шиша ароқ ҳам олиб келган эди.

Кейинчалик кийим масаласига қизиқиб кўрмадингизми?

— Йўқ. Тўғри, ўғлимни қамоққа олишгандан кейин икки кун ўтгач, уйга олиб келишди. У ўша кийимларни терговчи олиб бергач: «Наҳотки, сен буларни сотиб олмаган бўлсанг?», — дегандим, индамади. Кейин уни қари аёлни қотиллигида айблаб, қамаб қўйишганини билгач: «Шу ростми», — деб сўрадим. У эса: «Ҳа», — деди. «Бир ўзингизнинг?», — десам, «Икки киши эдик», — деди.

«Гувоҳ сифатида сўроқ қилинган Г. Ш. кўрсатдики, у терговчининг таклифи билан айбланувчилар — Табрис ва Седойларнинг кўргазмаларини текшириш пайтида гувоҳ сифатида иштирок этган. Кўргазмаларни текширув чоғида Табрис ва Седойлар ўз хоҳишлари билан ҳеч кимнинг айтиши, зўрловисиз воқеа жойларини кўрсатишган ва уларни томондан Кудакеевага нисбатан содир этилган жиноят қандай бўлганини ҳикоя қилиб беришган. Тергов ҳаракатларининг бошланғичи ва давомида терговчи ёки милиция ходимлари томондан айбланувчиларга нисбатан ҳеч қандай зўғум бўлмаган».

(«Айблов хулосаси»дан). Бу биринчи кўргазмадан кейинги гаплар. Табрис маслаҳат берган, бунга амал қилиб Седой иргитиб юборган қўлқоп ҳам топилди. Қорақамш даҳасидан. Суд-биологик кўригининг ниқарган хулосасига кўра ундаги қон излари марҳумникига тўғри келди.

Вид отходов	Процент
Текстильные отходы	10.4%
Силикатные отходы	6.9%
Шлаки	2.7%
Керамические отходы	1.7%
Кухонные отходы	4.6%
Металлические отходы	5.0%
Деревянные отходы	8.9%
Алюминиевые отходы	5.7%
Пластиковые отходы	2.2%
Стеклопластиковые отходы	1.7%
Стеклопакетные отходы	4.9%
Холодильники	1.1%
Холодильники	2.7%
Холодильники	4.6%
Холодильники	6.9%
Холодильники	10.4%

Тағвишлардан ташқари

Кечки овқатдан сўнг отам: — Тешавой ўғлим! — деди томоқ қириб қўйди. Унинг фетлини ҳаммамиз яхши биламиз, муҳим гап айтишдан олдин шундай қилади. Бутун вужудимиз қулоққа айланиб, оғзига тикилдик.

— Мана, ёшинг ҳам бир жойга бориб қолди, — деди ниҳоят пиёладаги чойдан ҳўплаб ва четга қараб оғзидаги шамани тупуриб ташлади. — Сен тенгилар уйли-жойли, бола-чақали. Энди шу... онанг билан маслаҳатлашдик, бошингни инкита, оёгингни тўртта қилиб қўймоқчимиз.

— Кўз остига олиб қўйганинг борми? — сўради онам юзимга синчиклаб боқаркан. Хурсандчилигини сиртимга чиқармасликка ҳаркат қилиб, лаб-лунжимни аранг йиғиштириб ерга қараб ўтиравердим.

Яна онам жонимга оро кирди.

— Майли, парво қилма. Кўчага чиқсанг, тош қолиб қизларга тўқишасан. Бу ёрни ўзимга қўйиб беравер.

Ҳақиқатдан ҳам орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас иш «пишди-қўйди».

— Келин кўвни кўраман, дебди. Эртага янганг билан учрашувга чиқасан, — деди онам.

— Ҳаммомда сочга сура-диган мой бор, яхшилаб бошингни ювиб, ўша мойдан суриб, гараниб ол, одеклон сепиш ҳам эсингдан чиқмасин, — деб тайинлади акам.

Қотирамиз, акахон, қотирамиз. Шунақа «культурний» бўлиб учрашувга чиқайки, келин хурлиқо бўлса ҳам каминига кўзи тушгач, тап этиб йиқилган бўлади! Тун давомида шунақа ўйлар хаёлимдан кетмади. Бир марта тулкининг чаңгалидан омон қолган бабақўроз бир-икки қичқиргандан кейин кўзим илинибди. Кимдир елкамга туртиб уйғотди.

— Чақирмаса айиққа ўх-

шаб ётавераркансанда, — деди онам одатдаги жиғибийронлик билан. — Тур тезроқ. Янганг кечикмасдан борсин, дея ўзи кетди. Ҳаракатингни қил!

Сапчиб ўрнимдан турдим. Ҳаммомга кириб, сочимни иссиқ-совуқ сув билан тозалаб ювдим. Юзимдаги яғана қилинган ғўзадек яккам-дуккам ўсган тукларни битталаб қиртишладим. Кейин сочимга акам айтган мойдан суриб, яхшилаб тарадим. Ўзи янги туғилган, ҳали қуриб улгурмаган бузоқнинг терисидай ялтираб, бирам чиройли бўлиб кетдики!..

ЯНГАЛАР ОМОН БЎЛСИН

(ҲАЖВИЯ)

Учрашув жойига борганимда янгалар ва бўлажак қайлиғимнинг кўзлари каминанинг йўлларига нигорон экан. Салом бериб яқинлашдим, гўёки! Гўёки дунёдаги ларники! Менга қадалган. Оғзимни пойлашади. Гоҳ-гоҳ икки жуфт чиройли кўз ҳам ўғринча қараб қўяди. Аммо соқов бўлиб қолган дим гўёки! Гўёки дунёдаги ҳамма сўзу иборалар айтилиб тугаб кетгандек тилим калимага келмасди.

— Ҳай, куёвтўра, сувга тушган мушукдек дийдираб тураверамизми? Олиб бормайсизми исталавой-писталавойга? — деди келиннинг янгаси ҳазил аралаш.

Ўзимнинг янгам худди автоматдек, мушкулумни осон қилди-қўйди.

— Вой, айланай, бизни, Тешавойни ким деб ўйлаяпсиз, исталавой бўлса исталавойда!

Аёллар қақиллаб кулишганча йўл бошлашди. Келин-куёв эса қассоб судраётган қўйдек уларга эргашдик.

Ошхонага киргач, учовлари стол атрофига ўтиришди. Мен эса тўрт коса шўрва, иккита иссиқ нон ва икки чойнак чой келтирдим. Янгамнинг имоси билан кўчага чиқиб, саккиз сих кабоб ҳам олдим. Бунгача янгалар ко-саларни яримлатишган экан.

— Айланай, ишонасизми, шу йигитгина ўзинини битирдию кетмонни маҳкам тутди. Рўзгор иши деса жонини жабборга берворади, — деб янгам мени мақтай кет-

ни унутибмиз. Улар ҳам гаплашиб олишсин мундоқ!

Қизнинг янгаси шу таклифни ўртага ташладию ўлганнинг устига тепгандек қилди. Жуда ноқулай вазият. Бошда ўй, тилда сўз айланмайди. Янгалар эса цирка томошага тушгандек. Туравердим. Ҳайкал дейсиз.

Яна ўзимнинг янгажоним ёрдам қўлини чўзворди.

— Олдимизда уялишяпти, чоғи. Юринг, ортимиздан гаплашиб боришар.

Улар олдинда, икки қадам орқада эса биз. Автобекатга қараб кетяпмиз. Бир пайт сўз қотишга аранг журъат қилдим.

— Пальтоингиз жуда чиройли экан, — дея ўлганнинг кунидан илжаиб қарадим. Қайлиғим ҳам ўзимга ўхшаган содда экан.

— Ҳий-йи, бу қўшнимиз Ҳалиманики, — деди ерга қараб.

Шу пайт десангиз, баҳор ҳавоси эмасми, момақалди-роқ гумбурлаб, ёмғир томчилай бошлади.

— Ҳа, майли, парво қилмай гаплашаверинглар, қучайиб кетгунча бекатга етиб оламиз, — деди янгам ортига ўгирилиб ва яна «дугонажон»и билан қатиклашаверди.

Бир пайт десангиз, юзим аралаш тангадек кўпик оқиб тушди. Ҳайрон бўлдимю келинпошшага сездирмай даст-рўмолим билан артдим. Артиб улгурмасимдан шапалоқдек кўпик оқиб тушди. Кейин яна...

Қолганини айтмай қўя қолай. Хуллас, эрталаб соч мойи ўрнига шампунь сурган эканман, эҳ хом калла!

Янгалар омон бўлишсин, барибир ўзаро келишишибди. Яқинда тўй. Лаб-лунжимни йиғиштира олмайди-ган, ҳар нарсаса ишшайиб-тиржайдиган бўлиб қолганман. Айтмоқчи, янгалар руж-сат беришса, сизларни ҳам тўйга айтаман. Келасизлар-а?

Ботир ЭРНАЗАРОВ.



Муҳаррир

Зокир ОТАЕВ.



Телефонлар: муҳаррир —

54-37-91, муҳаррир ўрин-


босари — 39-77-23, мух-

бирлар бўлими — 59-26-56,

59-20-92, умумий бўлим —

59-21-21.

Обуна рақами — 64615.



МАНЗИЛГОҲИМИЗ:

700029, Тошкент, Лопат-

тин кўчаси, 1.

• Кучириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт. • Мақолада келтирилган рақамлар, фантлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади. • Муаллифнинг мулоҳазаси тахририят фикрига мос тушмаслиги мумкин. • Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ўзбекистон Жумҳурияти «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Рўзнома офсет усулида, А-3 қолипда босилган.

Босмага бериш вақти 18.00.

Босмага берилди 17.00.

13002 нусхада чоп этилди.

Буюртма — № Г—96.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10

БОЛАКАЙЛАР УЧУН

МУЛЬТФИЛЬМДА

Оиламиз жамул-жам, «Ну погоди» экранда. Бўри қувлар шашт билан, Дармон йўқдир қуёнда.

Тораймоқда масофа, Ушлаб олса, ҳоли танг. Қор ҳам жуда кўп ёққан, Изи билинар аттанг.

Олдиндан чиқар анҳор, Сувнинг бети музлаган. Қуён кечувни балки, Шу сабабдан кўзлаган.

Қуёнча сакраганда, Музга оғир ботмади. Тўғриес, унинг яна Юришганди омади.

Зум ўтмай бўри етди, Сакради ғазаб билан. Сувга чўқди шу заҳот, Сўнг чиқди азоб билан.

Ҳаммадан кўп қувонган Кенжатай Ражаб бўлди. — Яша, чопқир қуёнча, Бўривой, ажаб бўлди!

Дилмурод ЖАВБОР



КУЛГАНГА КЕНГ ДУНЁ

ТАКЛИФНОМА

«Хурматли Олди Қочдиев. Ман сизни бачаларимнинг суннат тўйига таклиф қиламан. Бозор иқтисоди бўлгани учун ўзингиз билан чойнак-пиёла, қанд-қурс, «оқ», «қизил»идан ола келинг. Тўёна ихтиёрий. Сизга дуойи-салом билан ошангиз Қурум Соқов».

«МЕНГА НИМА?»

— Ўғрилар жуда кўпайиб кетяпти-да.

— Менга нима?

— Аммо мелиса уларга қирон келтиряпти.

— Менга нима?

— Кеча денг, бир қаллоб қўлга тушибди, камида ўн йил беришармиш...

— Менга нима?

— Ўша қаллоб сизнинг ўғлингиз деб эшитдим...

— Мен... э, сенга нима?!

Болта КАМОЛОВ,

Усмон Юсупов тумани.

УЯТЧАН «КУЕВ»

— Куёв жуда уятчан эканми-а? ЗАГС мудири-сидан ҳам уялаяпти, чамамда.

Бу зорманда тилни бурро, қўлни тўқмоқ қилар экан, Ичган нусха хотиннимас, уни азиз билар экан. Йигит ўлгур ўйла ахир, ўйла оқибатини, Қартайганда дармонингни ароқ топиб берармикан?..

Расми Қуранбой ОТАЕВ чизган.

— Ҳм. ЗАГС мудираси ана шу куёвнинг биринчи хотини агар билсангиз...

ХОТИРАСИ УЧУН

— Ҳўв, биродар. Бу минг йиллик чинор-ку. Нега азиям дарахтини йиқитяпсизлар?

— Ҳечқиси йўқ. Кекса дарахтнинг хотираси учун бу ерда «Нуроний» чойхонаси қурилади.

МИРИҚИШЯПТИ

— Боғчамизда болалар мириқишяпти.

— Бизникида эса тарбиячи холалар...

Абдуазиз ҲОШИМОВ.

Таклиф, мулоҳаза, мунозара

Шаҳрисабз шаҳар ИИБда 1991 ва 1992 йилларнинг уч ойи бўйича қайд қилинган жиноятлар рўйхатини кўздан кечиришди.

Ўтган йили содир этилган 66 жиноятнинг 11 таси очилмай қолган. Бу йил 57 тадан 7 таси очилмаган. Демак, жиноятлар сонида камайиш, очилишида эса ўсиш кузатилмоқда.

Мен бўлим ходимларининг айримлари билан суҳбатлашганимда, бошлиқнинг тергов ишлари бўйича ўринбосари милиция капитани Ҳакимжон Жабборов ҳақида илиқ гаплар айтишди.

— Ҳакимжон ака аввало жиноят содир этилган жойдан иложи борида кўпроқ маълумотлар олишга, далиллар тўплашга ҳаракат қилади, — дейди эксперт милиция лейтенанти А. Раҳимов. — Гувоҳлар билан бирон-бир расмийликсиз, содда ва оддий гаплашадилар. Бу эса ўртадаги ишонсизлик пардасини олиб ташлайди.

Шу йилнинг бошларида ДАН ходимлари йўл ҳаракати қоидаларини кўпол равишда бузган Л. Хидировни тўхтатишди. Ҳайдовчи машинасини тўхтатишга тўхтатдию, ходимларни ҳақоратлаб, уларнинг талабларига бўйсунмади. Ходимлар Лутфуллони машинаси билан ИИБга келтиришди. Терговчилар ишга жалб этилди.

Тинтув вақтида машинадан қирқма милтик, эгасидан эса наркотик модда олинди. Зудлик билан зўравоннинг уйида ҳам тинтув ўтказиш зарурияти туғилди.

Терговчилар янглишмаган эканлар. Уйдан кўп миқдорда ўқлар ва наркотик моддалар топилди. Экспертиза хулосалари ўқлар Л. Хидировнинг машинасидан топилган қирқма милтикни эканлигини тасдиқлади.

Ўринбосарнинг хонасига кирганимда, Ҳакимжон ака терговчи Э. Холиқов билан навбатдаги жиноий ишнинг йўналишларини маслаҳатлашаётган эди. Уни суҳбатга тортдим.

ХОЛИСЛАРНИ ҚАЙДАН ТОПАМИЗ?

— Бўлинмамиз ходимлари билан ҳафтада бир марта йиғилиш-машғулот ўтказамиз. Унда биринчи навбатда ҳафта давомида содир этилган жиноят бўйича тўпланган далиллар хусусида, йўл қўйилган камчиликлар ҳақида кенгашамиз. Терговчилар бир-бирларининг фикрларини тўлдирдилар.

Бундан ташқари ходимларимиз жиноят содир этилиш сабабларини ўрганиб, агарда айбдор ишласа, иш жойига шахсан ўзи бориб тақдирнома топшириши йўлга қўйилган. Бу бир томондан меҳнат жамоалари билан ўзига хос ҳуқуқий суҳбат бўлса, иккинчи томондан бевосита ишни олиб борган ходим учун барча саволларга, фактларга таяниб жа-

воб бера олишида қулайдир.

Нега ҳуқуқий суҳбат деяман? Тўғриси айтиш керак, биз ишимизда гувоҳлар, холислар масаласида жуда қийналамиз. Мен шахримиз аҳолиси шаънига қаттиқ гапирмоқчи эмасман. Аммо айрим пайтлар бўладик, баъзилар кўз ўнгиде содир этилган жиноятни «кўрмадим, эшитмадим», деб худони ўртага солади. Ҳозирча, қонунларимиз бундай

ҳолат қаршисида ожиз.

Аммо қўл қовуштириб ўтириш ҳам ярамайди. Фуқаролар орасида тушунтириш ишлари юритиш керак. Кези келганда шуни ҳам айтиш мумкин. Мана ташкилотлар, автокорхоналар тунги навбатчиликка улов ажратилди. Маълумки, аксарият қинғирликлар ярим кечада, халқ ширин уйкуда ётган паллада бажарилади. Бу пайтда кимнинг дарвозасини тақиллатиб, холис сифатида ҳамкорлик қилишини сўрайсиз? Мажбуран ана шу ташкилотлар ажратган навбатчи ҳайдовчисига юзланишга мажбурсиз. Бироқ суд буни инобатга олмайди.

Фаолиятимизда ҳар бир жиноий ишни тугаллаш муддати аниқ белгиланган. Ле-

кин судга оширилгач, уларни судда кўриш муддати йўқ. Натижада айбдорлар ойнаб, гоҳо йиллаб тақдирлари ҳал этилишини тергов изоляторларида кутиб ётишади. У ерда эса тажрибали «ўқитувчилар» кўп. Қарабсизки, суд вақтида жиноятчи «мени мажбурлаган, урган, сўккан» деб турибдида. Аввалги кўрсатмаларидан бутунлай воз кечиб, «янги»сини тўқиб чиқараверади.

Биз биринчидан, ҳар бир шубҳали шахс тимсолида жиноятчини кўравермаймиз. Уларни қамаш керак, қамок тузатади, деган фикрдан йироқмиз. Аммо ҳозирча жиноятчи қилмиши учун шундай жазоланар экан, жазосини тортсин. Қилган ишини гизга, югуриб, ҳориганингизга қачон ачинасиз? Қачонки айби бўла туриб, қаттиқ жазога лойиқ бўла туриб жазосиз чиқиб кетса ёки енгил жазо олса.

Қонунларимиз бўш. Деярли барчасида «очиқ жойлари» бор. Мустақил давлат сифатида эртани-кечми ўз қонунларимизни ишлаб чиқамиз, қабул қиламиз. Мен истардимки, ана шу ўз қонунларимиз «бир йилдан уч йилгача, уч йилдан беш йилгача» ва... ҳоказолардан ҳоли бўлса.

Шаҳрисабз шаҳар ИИБ бошлиқнинг тергов бўйича ўринбосари милиция капитани Ҳакимжон Жабборов мулоҳазаларини ўқувчиларга етказувчи

М. ИБРОҲИМОВА.

Махсус устун

ТҲҲХАТ ҲРНИДА



Милиция полковниги Бозорбой Тиловбергенов 1991 йилда Қорақалпоғистон Жумҳурияти бўйича товар-моддий бойликларни олиб чиқиб кетишни назорат қилувчи Давлат назорияти бўлинмасининг бошлиғи этиб тайинланган эди.

Шу ўтган давр мобайнида, аниқроғи 1991 йилнинг биринчи ноябидан то жорий йилнинг биринчи апрелига қадар ўтган муддат ичида Б. Тиловбергенов бошлиқ бўлинма 463 бор товар-моддий бойликларни ноқонуний ҳолда олиб чиқиб кетилаётганлигини аниқлади ва ўз вақтида тўхтатиб қилишга муваффақ бўлди. Қайтариб қолинган маҳсулотларнинг умумий суммаси олти миллион сўмни ташкил этади. Икки миллион сўмлик моллар эса мусодара қилинган.

Бу асабий ишнинг бошида турган кишига осон эмас, албатта. Бозорбой Тиловбергеновнинг ички ишлар соҳасидаги 25 йиллик хизмат тажрибаси анчагина ёрдам бераётди. У Нукус ички ишлар бошқармасида ВХСС бўлими инспекторлигидан ҳозирги эгаллаб турган лавозимига бўлган машаққатли йўлни поғонама-поғона босиб ўтди. Халқ мулкини қийратаётганларни ўз навбатида у қийратди. Ниҳоятда оғир дамларда чидади, сабр қилди. Ҳозирда чекка яна бир бор эл ризқини ўмараётганлар билан қурашишдек енгил бўлмаган вазифа тушди. Ва бу йўлда сафдошлари билан биргаликда туну кун тиним билмайпти.

Шу кунларда Бозорбой Тиловбергенов ўзининг муборак ЭЛИК ёшини қаршилаш арафасида. Суронларга, алғов-далгов кунларга, қувончу шодликларга тўла ярим аср. Яратганининг ўзи ҳар кимни шу дамларга етказсин. Айни кунларда уни шогирдлари (улар юзлаб), қавмлари, биродарлари, беминанат хизматидан баҳраманд бўлган юртдошлари муборакбод этмоқдалар.

Ўзбекистон Жумҳурияти ИИБ Давлат назорияти бош бошқармасининг барча ходимлари ҳам умр фусулининг табаррук ёши бўсағасида турган ҳамкасблари Бозорбой Тиловбергеновни чин дилдан, самимий қутлайдилар.

Тўйингиз муборак, Бозорбой оғал!

Ўзбекистон Жумҳурияти ИИБ Давлат назорияти бош бошқармаси жамоаси.

ЭЪЛОН

1991 йилда Тошкент шаҳар Ленин туманидаги 93-ўрта мактаб томонидан С. Б. Зариницкий номига берилган А №500162 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги 6-ўрта мактаб томонидан Муножат Алишеровна Усмоновага берилган 8 синфни битирганлик тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Ички ишлар вазирлиги ўрта махсус милиция мактабида спортга катта аҳамият берилади. Чунки бўлажак ҳуқуқ ҳимоячиларининг жисмоний тайёргарлиги етук бўлмас экан, улардан кўп нарса талаб қилиб бўлмайди.

Бу ерда тез-тез ҳар хил мусобақалар ҳам уюштирилиб турилади. Яқинда Оққўрғон тумани Алимкент автокорхонаси қошидаги «Автомобилчи» футбол жамоаси мактабда меҳмон бўлди. Ўйин

ниҳибозларда яхши таассурот қолдирди. Унда мактаб жамоаси 4:2 ҳисобида ғалаба қозонди.

СУРАТЛАРДА: ўйин арафасида.

М. МИРАҲМЕДОВ.

БОР ОТАНГГА, БОР ОНАНГГА

1 май куни ичдан кеч қайтдим. Ҳаммамиз жамулам бўлиб, дастурхон атрофига ўтирган ҳам эдикки, қўни-қўшниларики бақир-чақирини эшитилиб қолди. Эшикни очдим у подъезд тутунга тўлиб кетганини кўрдим.

— Нима гап, тинчликми? — деб сўрадим пастки қаватдан чиқиб келаётган қўшниларикидан.

— Олтинчи қаватдаги электр тақсимлагич ёнипти! — деди Ражаб исмли қўшним ҳансираб нафас оларкан.

Бир амаллаб ўтти ўчирдик. Шу кун Юнусобод даҳасининг 16-маҳалласида жойлашган 11-уйнинг ол-

тинчи, еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи қаватларидаги ўн икки хонадонда чироқ бўлмади.

Эртаси куни яна ишга кетдим ва 3 май куни келдим.

Қўни-қўшниларикини қистови билан 5-турар-жойлардан фойдаланиш бошқармаси электрчи Павел Тюрин ёниб кетган кабелларни янгисига алмаштиргандан кейин чироқ ёнди. Лекин ҳамманикида эмас. Икки кун зимистонда ўтириб, азоб чеккан қўшнилари яна чувиллаб юборишди.

— Сизлар туман электр тармоғига мурожаат қилинган! — деди Павел

Тюрин ва жўнаб қолди.

4 майга ўтар кечаси электр тармоғи корхонасига қўнғироқ қилиш билан машғул бўлдик. Аммо навбатчилар ухлаб қолишганими, ҳарқалай бирор тирик жон телефон дастагини кўтармади.

4 май куни эрталаб муродимга етишдим. 24-62-93 рақамларини терганимда, у ёқдан «Район электр тармоғидан эшитамиз!» — деган гап жаранглади. Муддаоимни билгач, «ЖЭКа телефон қилинг!» — деб жавоб беришди. Шундай қилиб, ўзини корхона бош муҳандиси Катков деб таништирган суҳбатдошим кеча ким навбатчилик қилганини айтмади.

5-турар-жойдан фойдаланиш бошқармаси муҳандиси Маргарита Павловна Нетребаси: «Электрни созлаш билан РЭС шуғулланади, ўзим уларга айтиб қўяман!» — дедию телефондаги мулоқотга якун ясади.

Республикамиз пойтахтидек шаҳри азимда жойлашган уйларда 3-4 кунлаб электр бўлмасою бу ишга хўжасизларча муносабат билдирган масъуллар «фидойи»лиги ҳақида хулоса чиқариш муштарийларнинг ўзига ҳавола.

Холмуҳаммад МУЙДИНОВ, милиция старшинаси.